



Ishonch

2016-yil
6-avgust,
shanba

№ 92
(3753)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Касаба уюшмалари мустақиллик йилларида



Темирйўлчилар манфаати мустақкам ҳимояда

Тараққиёт ва бунёдкорлик тинчлик ҳукм сурган юртгагина хосдир. Танлаган йўли ва ўз олдига қўйган мақсади сари оғишмай дадил қадам ташлаётган халқимиз амалга ошираётган ишларга назар ташлаб, шуни аниқлаш мумкин: Ўзбекистон ўзининг залворли одимлари билан дунёни лол қолдирмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз, ҳеч бир муболагасиз, улкан қурилиш майдонига айланди. Буни «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компанияси фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Чунки, иқтисодиётнинг «қон томири» ҳисобланган темир йўл тар-

моғида янги-янги линиялар қурилиб, ҳаракат таркиби сифат жиҳатдан мустақкамланди. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида бунёд этилган Навоий-Учкудук-Султон Увайистог-Нукус темир йўли линияси, Хоразм вилоятида Амударё узра қурилган ав-

томобил-темир йўл кўприги, Тошгузар-Бойсун- Қумқўрган темир йўли линияси бир бутунлик касб этиб, ҳудудларни жадал ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Денгиз сатҳидан 1800 метр баландликдаги Хисор тоғ тизмаларини кесиб ўтган, узунлиги 223 километрни ташкил этувчи Тошгузар-Бойсун-Қумқўрган янги темир йўли нафақат Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларини, балки ушбу воҳани пойтахтимиз ва юртимизнинг бошқа ҳудудлари билан ҳам боғлади. Энг муҳими, локомотивларимиз Сурхондарё вилоятига юрт

худудидан чиқмай борадиган бўлди. Бундан 5 йил олдин муҳим тарихий воқеа рўй берди. Испаниянинг «Patentes Talgo» компаниясидан юқори тезликда ҳаракатланувчи «Afrosiyob» электропоезди келтирилди. Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари орасидаги йўл инфратузилмаси жаҳон талаблари даражасига мослаштирилди. Истиклолимизнинг 20 йиллик байрами арафасида эса мазкур учқур поезд ўзининг илк қатновини амалга оширди.

» (3).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2016 йил 5 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг олтинчи ялпи мажлисини жорий йилнинг 24-25 август кунлари Тошкент шаҳрида чақириб тўғрисида қарор қабул қилди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида ўтказилаётган Олий Мажлиси Сенати ялпи мажлисининг кун тартибига Олий Мажлиси Сенатининг ўтган даврдаги фаолияти яқунлари ва келгуси йилдаги устувор вазифаларга бағишланган маърузанинг киритилиши муҳим эканлигини алоҳида қайд этдилар.

Сенатнинг ялпи мажлисида мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларини изчил ислоҳ қилиш ҳамда эркинлаштиришга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Конституциямиз 23 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасида баён этилган вазифаларни бажаришга қаратилган бир қатор қонунлар кўриб чиқилади. «Ешларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги, «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги (янги таҳрири), «Хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги (янги таҳрири) ва бошқа қонунлар шулар жумласидандир.

Мажлисида Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг ваколатига кирадиган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Барча муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати

XXXI ёзги Олимпия ўйинлари

Байроғимиз янада баланд ҳилпирасин!



Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида XXXI ёзги Олимпия ўйинлари старт олди. Унда юртимиздан таширф буюрган юзга яқин спортчи иштирок этмоқда.

» (4).

Ким эдигу ким бўлдиқ?

Юртнинг бебаҳо бойлиги



Истиклолнинг дастлабки кунлариданоқ юртимизда муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан халқимиз саломатлигини мустақкамлаш масаласи давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири сифатида белгиланди.

Инсон соғлом бўлса, бутун жамият соғлом бўлади, деган қараш онгу шууримизга чуқур кириб боргани ва ҳаётий фалсафамизга айланганлиги бугун амалда кўз ўнгимизда намён бўлиб турибди.

Дарҳақиқат, барча эзгу орзу-интилиш ва ҳаракатлар халқимизга муносиб турмуш шароити яратиб бериш, уни мустақил тараққиёт йўлининг самараларидан баҳраманд этиш, фарзандларимизнинг бахт-икболни таъминлашга қаратилгандир. Биз ҳеч кимдан кам эмаслигимизни ва ҳеч кимдан кам бўлмаслигимиз бугун ҳар жабҳада ўз исботини топмоқда. «Ким эдигу ким бўлдиқ?», деган саволга истиқлол инъом этган имкониятлар натижасида эришган юксак марраларимиз орқали жавоб олмақдамиз.

Истиклол йилларида Хоразм вилояти аҳолисининг саломатлигини муҳофаза қилиш борасида жуда кўплаб ибратли ишлар амалга оширилди. Соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техника базаси мустақкамланди, янги бинолар қурилиб, улар замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланди. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, атроф муҳитни ободонлаштириш, жойларда санитария-профилактика тадбирларини тўри йўлга қўйиш ва назоратни кучайтиришга катта эътибор қаратилди.

» (2).

Менга сўз беринг

ҚАЛЪЛАРДА ИСТИҚЛОЛ СУРУРИ



Лизахон БАЙБОСИНОВА, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Қорақалпоғистон бўйича масъул ташкилотчиси:

— Бугун, тиббиёт соҳасида бундан чорак аср муқаддам ҳаёлга ҳам келтири олмайдиган ислохотлар амалга оширилиб, ўзгаришлар, янгиланишлар бўлаётти-ки, воҳамиздаги барча тиббиёт муассасалари жаҳон стандартлари талабларига жавоб берадиган сўнги русумдаги, замонавий ускуналар билан жиҳозланмоқда. Орол бўйи туманларининг чекка овуллари, қишлоқларида фаолият кўрсатаётган қишлоқ врачлик пунктларида ма-лакали шифокорлар ва ҳамширалар аҳоли саломатлиги йўлида намунали хизмат кўрсатаёттир.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг «Соғлом она ва бала йили» дастури асосида жамоа шартномалари орқали ишчи аёллар учун қўшимча имтиёзлар тайинлаш, коллеж битирувчилари, айниқса, қиз болаларга янги иш ўринларини яратиш ва болажонларимизни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш боробарида, уларнинг ёзги оромгоҳларда кўнгилли ҳордиқ чиқаришларини ташкил этишга эътибор қаратилаяпти.

Хулоса қилиб айтганда, Истиқлол бизга улкан имкониятлар, ҳурлик, чексиз шарт-шароитлар берди. Биз бундан оқилона фойдаланишимиз, яратиб берилган имкониятларни рўйга чиқаришимиз лозим.



Жаҳонгир НУРУЛЛАЕВ, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Бухоро вилояти бўйича масъул ташкилотчиси:

— Давлатимиз раҳбарининг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йақунлари ва 2016 йилга мўъжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида кичик бизнес ва хуусий тадбиркорликнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидagi улуғи 56,7 фоизга етганлиги ёки 2000 йил билан таққослаганда 1,8 баробар ўсганлиги қайд этиб ўтилди. Бугунги кунда касаба уюшмалари томонидан жамоа шартномалари ва келишувлари орқали ижтимоий шериклик асосида аҳоли фаровонлиги ва реал даромадларининг изчил ўсиши, бандлигини таъминлаш, кичик бизнес, хуусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Шунингдек, аҳолининг ижтимоий ҳимоятлаб қатламларини ва эҳтиёжманд оилаларни манзилли муҳофаза қилиш ҳамда уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш борасида тизимли ишлар олиб боришмоқда.

Таъкидлаш жоизки, истиқлол йилларида касаба уюшмалари сафи кескин ошиб, уларга яратилган қўлайлик ва имтиёзлар салмоғи тобора кенгайиб бормоқда. Бугунги кунда тармоқ касаба уюшмасининг вилоятимиздаги фаоллари томонидан иқтисодиётимизнинг нодавлат секторидagi меҳнаткашларни аҳолига жалб қилиш орқали уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш борасида бир қатор амалий ишлар давом эттириб келинмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида 217 та ташкилотда меҳнат қилаётган 1782 нафар ходим касаба уюшмаси сафига қўшилиб, жамоа шартномаси билан 50 дан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилиб, кўплаб хуусий тадбиркорлар, хунармандларга ҳужужий ёрдам кўрсатишди.


Ишончм комилки, мамлакат равнақи, тинчлиги, халқ фаровонлиги учун бошланган ҳаракатларда касаба уюшмаларининг фаоллиги, ташаббускорлиги янада ёрқинроқ намён бўлаверади.



Ифтихор РАХИМОВ, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Самарқанд вилояти бўйича масъул ташкилотчиси:

— Шу юрт фарзандиман деган ҳар бир инсон фойдалилик кўрсатиб Ватанга хизмат қилиши керак. Касаба уюшмалари тизимидagi фаолият олиб бораётган ходимларнинг юртга муҳаббати ҳам уларнинг ўз ишига муносабатидa намён бўлмоқда.

Истиқлолимизнинг чорак асрлик қутлуғ тўғри арафасида турибмиз. Гарчанд бу мўддат тарих учун қисқа бўлса-да, биз учун асрларга татигулик мазмун касб таян-ти. Президентимиз раҳнамолигида ўз тараққиёт йўлимизни танлаб олдик. Биз кўзлаган келажакнинг ёқимли ифторларини ҳис этиб турибмиз. Мамлакатимиз ёшлар ҳар жабҳада илгор, ҳар соҳада ҳавас қилувчи марраларни эълолаётти. Мустақиллик бизга нима берди, деганда, ҳеч ик-киланмасдан, миллий гурур, ўзликни ани-лаш, миллий тараққиётни берди, деган бўлардим.



Мактаб ярмаркалари

>> 2



Ярим асрни тўлдирган оромгоҳ

>> 2

Юртнинг бебаҳо бойлиги

«(1).

Энди ушбу фикрларимизни рақамлар орқали қийсий асослашга уриниб кўрсак. 1992 йилда вилоят аҳолисининг саломатлигини муҳофаза қилиш учун 11895 ўринли 56 касалхона (уларда йил давомида 252553 киши даволанган), кунига 14485 беморни қабул қила оладиган 142 амбулатория ва поликлиникалар, 79 та қишлоқ врачлик амбулаторияси (ҚВА), 317 та фелдшерлик-акушерлик пунктлари (ФАП), 9 та санаторий ва дам олиш уйлари, 12 та санитарий-эпидемиология назорат маркази (СЭНМ), 135 та аптека мавжуд эди. 90-йилларда барча шифохоналарнинг кўриниши бир алфозда, бинолар анча эскирган, тиббий анжомлар етишмас, борлари ҳам талаб даражасида эмасди. Моддий-техник базани мустаҳкамлашдан туриб, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини яхшилаб бўлмасди, албатта. Истиқлолнинг илк йилларида эътибор қаратилиб, мавжуд муаммоларни бартараф қилишга киришилди.

Биз юқорида санаб ўтган ФАП ёки ҚВА деб номланган муассасаларнинг аксарияти, маълумки, мос-

лаштирилган биноларда жойлашган, қайнатилган шприц, қон босими ва тана ҳароратини ўлчайдиган ускуналардан бошқа айтарлиқ муҳим тиббий ускунанинг ўзи йўқ эди. Янада ачинарлиси, уларда олий маълумотли мутахассислар фаолият кўрсатмасди. Шу боис қишлоқ аҳолиси оддий хасталикни аниқлаш учун ҳам туман марказига боришга мажбур эди. Бир касалликка ташхис қўйиш уч-тўрт босқичли жараённи қамраб оларди. Бирламчи тиббий хизмат тизимининг тубдан янгилангани бундай овозгарчиликларга бутунлай чек қўйди. Бугунги кунда вилоятимизда фаолият кўрсатаятган ҚВПлар сони 166 тани ташкил қилади. Уларнинг барчаси ташхис қўйиш, даво муолажаларини олиб бориш учун зарур шарт-шароитларга эга.

Вилоятдаги бир қатор даволаш-профилактика муассасалари санитария меъёр ва стандартларига мос қайта таъмирланди ҳамда замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Ўзбекистон Республикаси билан Жаҳон банкининг Халқаро тараққиёт уюшмаси ва Осий Тараққиёт Банки ўртасидаги битимларга мувофиқ, 2005 йилдан бошлаб қишлоқ жойларда бирламчи тиббий хизмат

кўрсатиш тизими тубдан янгиланди. «Саломатлик - 1», «Саломатлик - 2», «Саломатлик - 3» ва «Онлар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» лойиҳаси изчил равишда амалга оширилмоқда.

Вилоят марказидан ташқари туманларда аҳолининг соғлигини муҳофаза қилиш учун ҳам янги имкониятлар яратилди. Жумладан, Инвестиция дастури асосида Богот, Шовот, Хива, Янгиариқ, Хонка, Ҳазорасп туман тиббиёт бирлашмаларида қурилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилди. Урганч шаҳар тиббиёт бирлашмаси тизимидаги болалар ва катталар поликлиникалари оилавий поликлиникаларга айлантирилди. Марказий, 2- ва 3-сонли оилавий поликлиникалар талаб даражасида қайта реконструкция қилинди ва замонавий тиббий анжомлар билан жиҳозланди.

Ихтисослашган тиббиёт марказлари вилоят филиалларининг ташкил этилганлиги юртдошларимиз учун кенг имкониятлар эшигини очди. 2006 йилда Республика ихтисослаштирилган урология марказининг Хоразм филиали, 2007 йилда Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси маркази Урганч филиали, 2009 йилда Республика Ихтисослаштирилган кардио-

логия маркази Хоразм филиали фаолият бошлади. Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари, вилоят катталар ва болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари ташкил қилинди.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган улкан эътибор, авваламбор, бу соҳани ривожлантиришга йўналтирилаётган инвестициялар ва маблағларда ўзининг аниқ исботини топмоқда. Мамлакатимиз давлат бюджетига соғлиқни сақлаш соҳасига сарфланаётган харажатлар улуши 15,7 фоизни, яъни махсулотга нисбатан эса 4,1 фоизни ташкил этади. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётганига қарамай, кейинги уч йилда соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштириш ҳажми 2,5 баробар кўпайди.

2016 йилда инвестиция дастури доирасида Урганч шаҳар клиник шифохонаси, вилоят болалар силга қарши кураш санаторийсида реконструкция ишлари олиб борилмоқда. Вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази 207 ўринга мўлжалланган даволаш блоки корпусида, вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази ёрдамчи биноларида капитал таъмирлаш

ишлари олиб борилмоқда.

РШТЭИМ Хоразм филиалида 75 ўринга мўлжалланган даволаш блоки корпуси ва бошқа ёрдамчи бинолар реконструкция қилинмоқда. Вилоят руҳий асаб касалликлари диспансерининг 300 ўринга мўлжалланган даволаш блоки биноси ва ёрдамчи объектлар қайта таъмирланмоқда.

Айни пайтда вилоятда 6329 ўринли 7 та марказ, 6 та диспансер, 2 та шифохона, 10 та туман ва 2 та шаҳар тиббиёт бирлашмалари, аҳолига бирламчи тиббий санитария ёрдами кўрсатувчи 166 та қишлоқ врачлик пунктлари ва 3 та оилавий поликлиникалар, вилоят скрининг маркази, вилоят ОИСТга қарши кураш маркази, Вилоят «Она ва бола» скрининг маркази, Республика аҳоли репродуктив саломатлик маркази Хоразм филиали, вилоят реабилитация маркази, 2 та стоматология поликлиникаси, жами 203 та даволаш профилактика муассасаларида 4311 нафар шифокор ва 15490 нафар ўрта тиббиёт ходимлари, қишлоқ врачлик пунктларида эса 519 нафар малакали умумий амалиёт шифокорлари фаолият кўрсатмоқда.


Шифокорларнинг фидокорона меҳнатлари эвазига келажак буюк юртнинг бебаҳо бойлиги саналмиш аҳоли саломатлиги тиклини ва мустаҳкамлаиб, мамлакатимизнинг иқтисодий қудрати янада ошишига ва халқаро майдондаги нуфузи кўтарилишига эришилмоқда.

Кўпалбой ТАНГРИБЕРДИЕВ,
Хоразм вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи

Тарадуд

Янги ўқув йили бошланиши муносабати билан умумтаълим мактаби ўқувчиларини асосий турдаги ўқув куроли, дарслик, кийим-кечак ва пойабзаллар билан таъминлаш ҳамда ота-оналар учун қулайлик яратиш мақсадига жорий йилнинг 10 августидан 10 сентябргача республикамизда жами 1978 та мактаб ярмаркаси ташкил этилади.

Мактаб ярмаркалари



Бу ҳақда Халқ таълими вазирлиги томонидан Республика болалар кутубхонасида ўтказилган брифинг-батафсил маълумот берилди.

Қайд этилганидек, барча мактаб ярмаркаларида 26 турдаги зарурий ўқув куроллари ва жиҳозлари сотуви ташкил этилади. Мазкур махсулотларнинг аксарият қисми юртимизда ишлаб чиқарилган бўлиб, ҳозирда 6 млн. нафарга яқин ўқувчилар учун эҳтиёжлар захираси шакллантирилмоқда.

Мактаб ярмаркалари фаолиятини уюшқоқлик билан ташкил этиш ва мувофиқлаштириш мақсадига маҳаллий ҳокимликларда мутасадди ташкилотлар вакиллари билан иборат ишчи гуруҳлар тузилган.

Этақиб берилган махсулотларнинг сақланиши, уларни ёнғиндан сақлаш, санитария ҳолатини яхшилаш ҳамда бошқа зарурий хавфсизлик чоралари тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилади.

Маҳаллий ҳокимликлар хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда мактаб ярмаркаларида савдоси ташкил этилаётган махсулотларнинг амалдаги стандартлар талабига жавоб беришини ҳамда уларнинг сифатини назорат қилади.

Шунингдек, махсулотлар нарх-наволарининг сунъий равишда ошиб кетишига йўл қўймайлик ҳамда уларда тўлов терминалларининг улзуксиз ишланиши таъминлаш маҳаллий ҳокимликлар ва давлат солиқ қўмитаси томонидан доимий назоратга олинган.


Ярмаркаларда савдо ишларини амалдаги солиқ ва банк қўнучилигига тўлиқ риоя қилган ҳолда ўтказиш ҳамда аҳолига қўшимча қулайлик яратиш мақсадига савдо ташкилотлари ва хусусий тадбиркорлик субъектларида барча турдаги тўлов терминали ўрнатилиши белгиланди.

Бунинг амалий ифодаси сифатида вазирлик томонидан Республика болалар кутубхонасида мактаб ўқув куроллари, адабиётлар, болалар кийим-кечак ва пойабзалларининг Республика кўргазмаси ҳамда Мирзо Улуғбек туманидаги 64-умумтаълим мактабидан намунали мактаб ярмаркаси ташкил этилди. Тадбирда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, мактаб ярмаркасини ташкил этишга масъул ташкилот ва идоралар мутахассислари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Гўзал НОРЧАЕВА,
«Ishonch» мухбири.
Икром ҲАСАНОВ олган суратлар



Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида Наманган вилояти Қосонсой тумани «Қуқумбой» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида Булоқ массивида намунавий лойиҳалар асосидаги 54 тураржой фойдаланишга топширилади.



Байрам янги уйларида нишонланади



— Ҳозиргача 10 дан ортиқ уй ўз эгаларига топширилди, — дейди «Қишлоқ қурилиш инвеств» масъулияти чекланган жамияти Наманган филиали техник назоратчиси Маҳмуджон Рустамов. — Ушбу замонавий уйларида яратилган шароит ва қулайликлар аҳолига манзур бўлмоқда.

СУРАТЛАРДА: «Қуқумбой» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Булоқ массиви; Булоқ массивида бунёд этилган уй-жойларда яратилган шароитдан хонадон эгалари мамнун.

ЎЗА фотомухбири
Ҳотам МАМАДАЛИЕВ
олган суратлар.

Маънавият соати

Дилларда истиқлол шукронаси

Мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишлаб барча ҳудудларда «Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!» шиори остида тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

«Гулистон нефтбазаси» давлат унитар корхонаси меҳнат жамоасида бўлиб ўтган анжуман ҳам шу мавзуга бағишланди. Унда вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнатчи муҳофаза қилиш бўлими мудири Бозорбой Исмаилов, юридик бўлим етакчи юрист-консулти Санжар Тоғаев ҳамда маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими етакчи мутахассиси Зебо Ҳайдарова иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, ўтган

25 йил давомида мамлакатимизда кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди, улкан марра ва ютуқларни қўлга киритдик. Бугун дунёда тараққиётнинг «Ўзбек модели» деб ном олган миллий стратегиямиз давлатимиз раҳбари томонидан пухта шакл қилинган, миллий манфаатларимизга тўла жавоб беришини ҳаётнинг ўзи исботлаб бермоқда.

Тадбирда, шунингдек, қўнучиликдаги янгиликлар, меҳнат муҳофазаси

ҳамда жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари тўғрисидаги қонунларнинг мазмун-моҳияти, юртимизда одам савдосига қарши олиб борилаётган сазой-ҳаракатлар, бу борада қабул қилинган қонун ва қонуности ҳужжатлари тўғрисида кенг маълумотлар тақдим этилди. Вилоят ИИБ ДАН вакиллари ҳам тадбирда қатнашиб, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ва ҳаракат хавфсизлиги қоидаларига киритилган ўзгаришлар хусусида гапириб бердилар.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«Ishonch» мухбири

Тадбир

Ургут тоғлари бағрида жойлашган «Золотинка» оромгоҳида ярим асрдирки болажонларнинг шодон кулгулари янграйди. «Марказий геологик тасвирлаш-излаш экспедицияси» давлат унитар корхонаси тасарруфидagi оромгоҳ фаолиятининг илк даврида 80 нафар болани қабул қилган бўлса, айни дамда ҳар наватда 600-650 нафардан ортиқ дам олувчини ўз кучоғига олапти.



Ярим асрни тўлтирган оромгоҳ

Кейинги беш йилда ушбу м а с к а н д а Қорақалпоғистонда яшовчи 5550 нафар ўғил-қиз хордиқ чиқарди. Улар сафида сурхондарёлик ўқувчилар ҳам қўшилди. Эътироф этиш жоизки, оромгоҳда бу соҳани пухта ўзлаштирган жамоа шаклланди. Сафни тўлдириб келаятган ёш мураббийлар ҳам алоҳида синовлар орқали ишга қабул қилинади. Катта тажрибага эга Владимир Великанов чорак асрдан ортиқ вақт мобайнида жамоага мураббий бўлиб келмоқда.

«Золотинка» оромгоҳи ташкил топганининг 50 йиллигига бағишланган маданий-маърифий тадбирда ҳам эришилаётган ютуқлар алоҳида эътироф этилди. Унда оромгоҳнинг илк дам олувчилари, ота-оналар, тегишли идора ва ташкилот ходимлари ҳамда бир қатор меҳмонлар иштирок этди. Улар оромгоҳда хордиқ чиқараётган ўқувчиларнинг ранг-баранг чиқишларига гувоҳ бўлишди.


— Жорий йилги мавсумда Оролбўйидан келган 400 нафардан зиёд ўқувчи таътил кунларини шу ерда ўтказди. Уларга яратилган шароитдан жуда мамнун бўлдик, — дейди тадбир иштирокчиларидан бири, Қорақалпоғистон Республикаси касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Муротбой Данияров. — Бу ерда турли ҳудудлардан келган ёшлар бир оила фарзандларидек яшашмоқда. Болажонларимиз томонидан ўзбек, қорақалпоқ, рус ва тожик тилларида ижро этилган қўшиқлар ўзгача жозиба касб этди. «Биз бир жамоа, бир оила вакилларимиз» мавзусидаги тадбирлар барчада катта таассурот қолдирди. Қисқа қилиб айтганда, «Золотинка» бағрида болалikka қайтгинг келиб қоларкан.

Тадбирда иқтидорли ўқувчилар хомийлар ва жамоат ташкилотлари томонидан рағбатлантирилди.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Касаба уюшмалари мустақиллик йилларида

Темирйўлчилар манфаати мустаҳкам ҳимояда



№(1).

Этироф этайлик, бир пайтлар бундай замонавий, соатига 250 километр тезликда ҳаракатланадиган поездларнинг заминимизда юриши, ундан халқимизнинг фойдаланишини кўпчилик тасаввурига ҳам ситдирилмасди. Кези келганда эслатиб ўтишимиз лозимки, бундай поезд дунёнинг атиги саккизта давлатида бор. Зеро, бу нафақат темирйўлчиларимизнинг, балки бутун халқимизнинг бекиёс улкан ютуғидир.

Бугунги кунда мамлакатимизда юкларнинг 70, йўловчиларнинг 60 фоиздан ортиғи темир йўллар орқали ташилмоқда. Юқори тезликда ҳаракатланувчи «Афросиёб» поездлари ҳаракатдан йўлга қўйилгандан бери эса 1 миллиондан зиёд йўловчи ушбу замонавий транспорт воситаси хизматидан фойдаланди.

2016 йилнинг 22 июн кунини давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин иштирокида Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўлининг очилиши билан Ўзбекистонда ягона, мустақил миллий темир йўл транспорти коммуникация тизими тўла шаклланди.

Микёси ва кўламига кўра жуда улкан ва мураккаб бўлган мазкур замонавий лойиҳа атиги 32 ой ичида, белгиланган муддатдан аввал ақунланган мамлакатимиз темирйўлчиларининг юксак малакаси ҳамда ғайратли шижоатидан дарак беради.

Темирйўлчиларимиз томонидан Самарқанд — Бухоро участкасида юқори тезликда ҳаракатланадиган электр поездлари қатновини йўлга қўйиш юзасидан кенг қаровли ишлар амалга оширилмоқда. Утган даврда узунлиги қарийб 250 километрлик йўлнинг 140,2 километрлик Мароқанд — Навоий участкаси янгидан қурилди. Навоийдан Бухорогача бўлган пўлат излар соатига 160 километр тезликдаги ҳаракатланишга мослаштирилди. Пиёдалар ўтиш йўлаги, йўл ўтказиш, кўприк ва станциялар сингари икки юз йигирмадан зиёд иншоот қурилди.

Самарқанд — Бухоро участкасининг электрлаштирилиши ва юқори тезликдаги йўловчи поездлар ҳаракатининг йўлга қўйилиши натижасида Тошкентдан Бухорогача бўлган 620 километрлик масофани 3 соату 30 дақиқада босиб ўтиш имконияти юзага келди.

Бугун ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасида рўй бераётган ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий янгилашлар овоз ва обод, эркин ва фаровон давлатимизнинг янада гуллаб-яшнашига хизмат қилмоқда, албатта.

Янгидан-янги имкониятлар эшигини очиб бераётган улкан бунёдкорлик ишларида касабани уюшмалари ҳам иш берувчилар билан елкама-елка туриб, кечяку-кунду менажмент қилаётган минглаб ишчилар аҳолидан

хабардор бўлиш, уларга қўлай ва хавфсиз иш ва яшаш шароитларини яратиш, илғорларни рағбатлантириш ишларига муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касабани уюшмаси Республика кенгаши тизимида 6 та ҳудудий, 2 та бирлашган, 142 та бошланғич касабани уюшма ташкилотлари мавжуд бўлиб, ижтимоий шериклик тамойиллари асосида, тармоқ келишувлари ва жамоа шартномалари орқали ишчи-ҳодимларнинг меҳнатга доир ҳуқуқ ва манфаатлари изчил ҳимояланмоқда. «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти бошқаруви билан Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касабани уюшмаси Республика кенгаши ўртасида тармоқ келишуви тузилган. Унда ишчи-ҳодимларга қўлай меҳнат шартлоари ва меҳнатга ҳақ тўлаш, бандлик ва ижтимоий кафолатлар ўрнатиш бўйича мажбурийлар белги-ланган.

Маълумки, касабани уюшмалари фаолиятида меҳнат қонунлари ва жамоа шартномалари ижросини назорат қилиш, ишчи-ҳодимларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг муносиб шароитларда меҳнат қилишлари ва саломатликларини тиклашлари кўмаклашиш, ташаббус ва изланишларини рағбатлантириш муҳим аҳамият касб этади. Утган даврда тармоқ касабани уюшмаси Республика кенгаши томонидан бу борада бир қатор ишлар бажарилди. Соҳа ҳодимларининг ижтимоий-ҳуқуқий манфаатларини таъминлаш, меҳнат муҳофазаси талабларини жорий қилиш, темирйўлчилар ва уларнинг оилалари ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш борасида иш берувчилар томонидан ҳодимларга қўлай ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратиб берилиб, ҳодимлар тармоқ меъёрлари талаби даражасида махсус кийим-бош, пойабзал ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаб келинмоқда.

Этироф этиш керакики, ўтган йил давомида тармоқ касабани уюшмаси Республика кенгаши, ҳудудий касабани уюшма қўмиталари томонидан темирйўлчилар ва уларнинг оилаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, жамиятимизнинг муҳим бўлиши билан оила институтини мустаҳкамлаш, ёш оилаларни рағбатлантириш, темирйўлчилар фарзандларини соғломлаштириш, ишчи-ҳодимларнинг меҳнат ва манзил шароитларини яхшилаш, улар орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга устувор вазифалар қатори узлуқсиз эътибор қаратилди. Корхона ва ташкилотларда меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигини оқилона йўлга қўйиш чора-тадбирлари қўрилди.

Касабани уюшмалар ҳаракат бирлигини мустаҳкамлаш ва ҳодимларнинг меҳнатга доир, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни янада юқори

босқичга кўтариш мақсадида жамият корхоналарининг тузилишига монанд-мос равишда касабани уюшмалари ташкилий тузилмасига ўзгаришлар киритилиб, янги ташкилотлар Республика кенгашига бириктирилди ва шу кўнларда улар жойларда ҳар қачонгидан кўра ташаббускорлик билан фаолият кўрсатмоқда.

Касабани уюшмаси ташкилоти раҳбари ишчи-ҳодимлар талаб-эҳтиёжларини, орзу-умидларини, қувонч-ташвишларини, шунингдек, мамлакат, минтақа, тармоқ, ҳар бир корхонанинг ишлаб чиқариш, меҳнат, ижтимоий муаммоларини олдиндан кўра билиши керак. Шунингдек, касабани уюшмаси етакчиси ўз аъзоларини ўз теварагига жипслаштирибгина қолмай, балки бир-бири билан ўзаро боғлиқ муаммолар мажмуасининг ечимини, касабани уюшмаси фаолларини ва ижтимоий шериклари, нималар қизиқтириши, уларнинг хатти-ҳаракати ва хоҳишини ҳам билиши лозим. Бозор иқтисодиёти даврида касабани уюшма ташкилоти раҳбарига бутунлай янги талаблар қўйилаётгани нечоғлиқ муҳимлигини тушунган ҳолда Республика кенгаши томонидан касабани



уюшма ташкилотлари раҳбарлигига билимли, теран фикрли, инсонпарварлик ва одамхонлик фазилатига эга бўлган, жамоа учун масъулиятни ўз зиммасига ола билладиган ёшларни жалб этиш сиёсатини изчиллик билан амалга ошира бориб, аъзо ташкилотлар билан биргаликда кадрлар таркибини янгилаш борасида қатор тадбирлар амалга оширилди. Натижада, касабани уюшма ташкилотлари соҳа хусусиятларини яхши тушунадиган, ташаббускор, ташкилотчилик қобилиятларига эга, билимли, обрўли ёш йигит ва қизлар билан мустаҳкамланди.

Касабани уюшма фаолларини тарбиялаш, уларни ўқитиш ва малакасини ошириш масалалари ҳам доимо эътиборда. Шунингдек, иш ҳақидан муддатли ўтган қарздорликни бартараф этиш, бандликка кўмаклашиш, меҳнатни муҳофаза қилиш, ҳодимлар ва улар оила аъзоларини сифатли соғломлаштириш

Акциядорлик жамияти томонидан ҳодимларни махсус кийим-бош, пойабзал ва махсус ҳимоя воситалари билан тўлиқ таъминлаш мақсадида йилдан-йилга етарли миқдорда маблағлар ажратиб келинмоқда.

Тармоқ касабани уюшмаси меҳнатқашлар ва ёшларнинг маънавий дунёқарашини кенгайтириш, уларни Ватанга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш ишига ҳам ўз имкониятларини сафарбар этмоқда.

Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касабани уюшмаси фаолиятида ишловчи ва ўқувчи ёшларнинг ижтимоий-меҳнат ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида аниқ мақсадга йўналтирилган ёшлар сиёсатини амалга ошириш, баркамол авлоднинг тарбиялаш ишлари устувор йўналишлардан бири этиб белгиланиб, тармоқ касабани уюшмаси қошида Ёшлар кенгаши ташкил этилганлиги айни муддао бўлганлигини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқ-

ва дам олдириш ишларини ташкил этиш, ишчи-ҳодимлар ўртасида маданий-маърифий ва спорт тадбирларини уюштириш, туризмин ривожлантириш, жамоа шартномалари мажбурийларининг бажарилиши ва бошқа муҳим масалалар мунтазам муҳофиза этилиб, тегишли қарорлар асосида уларнинг бажарилишига эришилапти.

Жамоа шартномалари ва келишувлари ишлаб чиқариш муносабатларида иш берувчи ва меҳнатқашлар ўртасида юзага келадиган баъзи бир муаммоларни бартараф этувчи муҳим ҳуқуқий ҳужжат эканлигини инобатга олган ҳолда, акциядорлик жамияти ва корхоналар билан тузилган келишув ва жамоа шартномаларда қайд этилган касабани уюшмаси аъзоларининг имтиёз ва кафолатларини таъминлашга алоҳида муносабатда бўлмоқдамиз.

Меҳнатқашларнинг меҳнатга доир, ижтимоий-иқтисодий ва касб манфаатларини ҳимоялаш, меҳнат қонунчилигига риоя қилиш назоратини ташкил этиш, ҳуқуқий ёрдам бериш бўйича Республика кенгаши томонидан бир қанча ижобий ишлар амалга оширилапти. Ҳар йили ўтказиладиган «Меҳнат муҳофазасини жамоатчилик асосида энг яхши ташкил этиш» кўрик-танлови ғолибларни муносиб тақдирланмоқда. Тармоқ корхоналари меҳнат муҳофазаси бўйича Республика кўрик-танловларида иштирок этиб, бир неча мартаба совринли ўринларни эгаллаганликлари ҳам ана шу саъй-ҳаракатлар натижасидир.

Касабани уюшмалар фаолиятининг устувор йўналишларидан яна бири, бу — бандликка кўмаклашиш масаласидир. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма қарори билан тасдиқланган янги иш ўринларини яратиш Дастурига мувофиқ, акциядорлик жамияти микёсида кенг кўламада олиб борилаётган қурилиш ишлари эвазига ҳар йили минглаб иш ўринлари барпо этилиб, бу масала касабани уюшмалари томонидан жамоатчилик асосида мунтазам мониторинг қилинмоқда. Режадаги янги янги лойиҳалар рўйи янада кўпроқ иш ўринлари оқиши имконини берапти.

ламоқда. Устувор йўналишларда белгиланган вазифалар тармоқ келишуви ҳамда жамоа шартномаларида ўз ифодасини топиб келмоқда. Аёллар ва ёшларга имтиёзлар бериш, уларни маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш масалалари, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг ишга жойлаштирилиши ва иш жойларида қўнмиллиги доимо назоратда бўлмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар ижросини таъминлаш мақсадида «Энг фаол ёш темирйўлчи», «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур» кўрик-танловлари, турли мавзуларда «Маънавият соатлари», давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказиш анъана тусини олди. Касабани уюшмаси тасарруфидоги бой китоб фондига эга кутубхоналардан қитобхоналар доимий равишда маънавий озуқа олмақда. Меҳнатқашларнинг сиёсий онги, тафаккурини оширишда кутубхоналар

ўрни бекиёс аҳамиятга эга эканлигини англаган ҳолда «Энг яхши кутубхона», «Китобсевар оила» анъанавий кўрик-танловлари ўтказиб келинапти. Ғолиблар пул мукофоти ва эсдалик совғалари билан тақдирланапти.

Маъмурият билан ҳамкорликда соҳа меҳнатқашлари ва уларнинг оила аъзоларини сийҳаттоҳларда, шунингдек, дам олиш йўлари ва санаторий-профилакторийларда соғломлаштириш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилапти. Тармоқда «Чимён» санаторияси, «Назарбек», «Сихатгоҳ» ва «Қўнғирот» санаторий-профилакторийлари ҳамда бир вақтининг ўзида 240 нафар кишига хизмат кўрсатаётган «Хўжакент» дам олиш оромгоҳи ҳамда 5 та болалар соғломлаштириш оромгоҳлари фаолият юритмоқда. Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида қуриб фойдаланишга топширилган 100 ўринли «Омонхона» балнеологик комплекси нафақат соҳа ҳодимларининг, балки мамлакатимиз аҳолисининг саломатлигини тиклашга бемисл ҳисса қўшиб келмоқда. Санаторий-профилакторийларда йўлга қўйилган физиотерапия, массаж, иглотерапия, ингаляция, парафин, сув муолажалари, жисмоний тарбия ва гиёҳ билан даволаш усуллари, «Чимён» сийҳатгоҳининг маъдани суви, «Хўжакент» дам олиш уйдаги бетакрор табият манзаралари ҳамда, муҳими, ҳодимларнинг юқори малакаси ва ширин муомаласи ушбу гуша-лар жозибасини янада оширмоқда, десак асло мулобага бўлмайд.

Яна бир эътиборли жиҳат шундаки, темир йўл транспорти корхоналарида узок йиллар мобайнида ўзининг самарали меҳнати билан соҳанин ривожини ва раванки учун салмоқли ҳиссасини қўшиб, ҳозирги кунда қарилк гаштини сураётган меҳнат фахрийлари тармоқ келишувига асосан, нафақага чиққанида ташкилотлар ҳисобидан уч йилда бир марта «Назарбек», «Чимён» санаториялари ва «Сихатгоҳ» профилакториясига бепул йўланма оляпти.

Темирйўлчилар, транспорт қурувчилари ва улар оила аъзоларининг соғлигини мустаҳкамлашда жисмоний тарбия ва спортнинг муҳим аҳамиятини яхши тушунган ҳолда иш берувчи билан ҳамкорликда темир йўл узеллари ва касабани уюшма қўмиталари раҳбарларининг фаол кўмагида спорт клубларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга эътибор бериб келаяпти.

Ҳозирги кунда темир йўл узелларида теннис, бокс, футбол, баскетбол, кураш, ўзбек жанг санъати, самбо, мини-футбол, юнорум кураши ва оғир атлетика турлари бўйича шугулланиш учун зарур шароитлар яратилган спорт иншоотлари мавжуд бўлиб, ташкил этилган секциялар ва турли соғломлаштириш гуруҳларида ишчи-хизматчилар ва уларнинг фарзандлари соғликларини мустаҳкамламоқдалар.

Бир сўз билан айтганда, соҳа ҳодимларининг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари мустаҳкам ҳимояга олинган. Иқтисодий юксаклишлар ҳам шунга яраша бўлмоқда.

Тоирхон НУРИЛЛАЕВ,
Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касабани уюшмаси Республика кенгаши раиси

РЕКЛАМА



«IXTISOSLASHGAN AVTO SAVDO INVEST» МЧЖ Сизларни 2016 йил 7 Сентябр куни соат 11:00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Наманган шаҳри, Спортчилар кўчаси, 2-уйда жойлашган Наманган вилояти ҳокимлигининг ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармасига қарашли, бошқарма биносида сақланаётган, 2001 йилда и/ч. «NEXIA» русумли, д/б 50-645-RAA бўлган таъмирталаб а/в **5321000 сўм** бошланғич баҳода қўйилмоқда.

Мазкур автотранспорт воситеси 2016 йил 7 сентябр куни сотилмаган тақдирда, тақрорий аукцион савдолари 2016 йил 14, 21, 28 сентябр ва 5, 12, 19 октябр кунлари соат 11:00 да ўтказилади.

Аукцион савдосига қўйилган мулк билан жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни мазкур эълон матни чоп этилган санадан бошлаб ҳар кун (дам олиш кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 17:00 га қадар (тушлик соат 12:00 дан 13:00 гача) қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади ва 2016 йил 6 сентябр куни (тақрорий савдолар учун мос равишда 2016 йил 13, 20, 27 сентябр ва 4, 11, 18 октябр кунлари) соат 11:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган

«Закалат пули тўғрисидаги келишув»га асосан автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «IXTISOSLASHGAN AVTO SAVDO INVEST» МЧЖнинг АЙТБ «Ипак йўли» Наманган вилоят филиали, МҒО: 01054, ИИН: 302948717, 20208000300332835001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларини топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун ариза, юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхасини, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида

тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

Қўшимча маълумот олиш ва савдо ўтказиш манзили:
Савдо ташкилотчиси: «IXTISOSLASHGAN AVTO SAVDO INVEST» МЧЖ.

Наманган шаҳри, Озодлик кўчаси, 14-уй (Наманган вилояти касабани уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси биносининг 1-қавати, 5-хона).
Телефон: (0-369) 227-25-27. www.autosavdo.uz.
E-mail: info@autosavdo.uz. Гувоҳнома. №: 07183.



БИЛДИРИШ
«KO'CHMAS MULK SAVDO FAOLIVATI» МЧЖ томонидан «Ishonch» газетасининг 2016 йил 12 июлдаги 82-сониде чоп этилган эълон матнидаги «2016 йил 17 майдаги 542-сонли» эзуви ўрнига «2016 йил 31 майдаги 587-сонли» деб; «31 майдаги 587-сонли» эзуви ўрнига «17 майдаги 542-сонли» деб ўқилсин.

Байроғимиз янада баланд қилпирасин!

(1).

Ёзи Олимпия ўйинларида ўз ватани шарафини ҳимоя қилиш ҳар бир спортчининг эзгу орзусидир. Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралдаги «Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзи Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ спортчиларимиз мазкур нуфузли мусобақага пухта тайёргарлик кўрди.

Бу йилги Олимпия ўйинларида Ўзбекистон спортчилари академик эшак эшиш, бадий гимнастика, байдарка ва канозда эшак эшиш, бокс, дзюдо, енгил атлетика, оғир атлетика, спорт гимнастикаси, стол тенниси, сузиш, тазквондо (WTF), теннис, трамплин, ўқ отиш, эркин ва юнрон-рум кураши каби қатор спорт турлари бўйича баҳслашади.

Мамлакатимизда барча жабҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар туфайли халқимизнинг эзгу орзуси раҳбарининг рўйида чиқмоқда. Бугун буни бутун дунё эътироф этмоқда. Ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб вояга етказиш, юртимизнинг халқаро май-



қичли спорт ўйинлари мунтазам ташкил этилмоқда. «Кичик Олимпиада» мақоми олган бу мусобақалар бугун минглаб спортсевар ёшларнинг иқтидори маҳоратини юзага чиқариб, уларнинг жаҳон спорт ареналирига чиқишида катта парвоз майдонига айланди.

Юртошимизнинг ҳеч бир соҳа мамлакатни спортчилик дунёга тез танита олмайди, деган сўзларининг исботини юксак мақсадлар сари курашадиган, халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир спортчилар етишиб чиқаётганида, уларнинг Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатларида муносиб қатнашиб, юксак галабаларни қўлга киритаётганида яққол кўришимиз мумкин.

2012 йили бўлиб ўтган Лондондаги мусобақаларда 63 спортчимиз иштирок этганди. Бу йилги ўйинларда 100 га яқин спортчимиз шундай шарафга эга бўлди. Бу кейинги тўрт йил ичида юксалиш юз берганлигини исботлаб турибди.

Зеро, биз спортчиларимиздан улкан галабалар ва медаллар кутиб қолишга ҳақлимиз.

Адҳам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» муҳбири


дондаги обрўсини янада юксалтиришнинг муҳим омилларидан бири сифатида спортни ривожлантириш ва оммалаштиришга қаратилаётган доимий эътибор ўзининг юксак самараларини бераётгани ҳам қалбларимизни фахр-ифтихорга тўлдирмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда олимпия ҳаракати кенг тус олди. «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада мусобақаларидан иборат уч бос-



«ОМОЎХОҶА» СИҲАТГОҶИ ЖАМОАСИ

Темирийўлчилар касб байрами муносабати билан соҳа ходимларини қутлайди! Барчангизга фаровон ҳаёт, сиҳат-саломатлик, оилавий бахт-саодат тилайди. Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши йўлидаги саъй-ҳаракатларингизда муваффақият ёр бўлсин!



ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани Генерал Узоқов кўчаси 60А-уй 139-хонадон эгаси Косимова Олида Халиқовна номига туман БТИСИ томонидан берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Общество с ограниченной ответственностью «PREMIUM HOUSE» (ООО «PREMIUM HOUSE»), расположенное по адресу: г. Ташкент, Мирзо-Улугбекский р-н, ул. А.Тукья, Ц-1, д.1, зарегистрированное Инспекцией по регистрации субъектов предпринимательства Мирзо-Улугбекского района 03.04.2012 г., регистрационный №007261-04, ИНН 302 258 222, ЛИКВИД/РИЕТСИ по решению учредителя от 04.08.2016 г.

Претензии принимаются в течение 2 месяцев с момента опубликования настоящего объявления по местонахождению общества, а также по тел.: (+99890)3491676.

«ЧИМЁН» СИҲАТГОҶИ ЖАМОАСИ

Юртимиз темирийўлчиларини касб байрами билан самимий муборакбод этади. Иқтисодиётимиз ривожига ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшаётган ушбу касб эгаларига омад ва зафарлар ёр бўлсин. Ўйлаган эзгу ниятларингизга етиб юринг. Рўзгорингиздан қут-барака аримасин! Ватанимизнинг порлоқ истиқболи йўлидаги ишларингиз бароридан келсин!

«НАЗАРБЕК» СИҲАТГОҶИ ЖАМОАСИ

Иқтисодий барқарорликка эришиб, нуфузи тобора ортиб бораётган мустақил Ўзбекистонимизнинг темир йўл соҳасида ишлаётган фидойи инсонларини касб байрами билан қизгин қутлайди. Барчангизга сиҳат-саломатлик, хушқайфият, бахту саодат тилаймиз. Хонадонингизни тинчлик-хотиржамлик асло тарк этмасин.

MUASSIS:



Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси



2007-йил 11-январда О'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir:

Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati:

Abdulaziz Abdullayev, To'liqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshev

BO'LIMLAR:

Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e'lonlar — 256-87-73

Manzili:

100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Soluvda erkin naxda.

ishonchdan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta, nomi ko'rsatishli short. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

HUUDLARDAGI MUXBIRLAR:

Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Navoiy — (+998-93) 313-86-87
Samarqand — (+998-91) 915-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-90) 910-54-05
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir:

U.Ibodinov
Navbatchi: N.Mahamov
Musahhil: S.Shodiyeva
Sahifalovchi: H.Abduljalilov

Boshiga ko'parish vaqti — 22:50
Tayyorligi — 23:20

1 2 3 4 5 6

«Sharq» nashriyat-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etiladi.

Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «Ishonchning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi».

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma G — 815. 14176 nusxada bosiladi. Nashr ko'rsatkichi: 133

Taxiriyat xisob raqami: 2021 0000 0004 3052 7001, ATNE «Inotega Banki Yashnabod Filiali», bank kodlari: 00059, STIR: 201133089, OKNIX: 07100